



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

# O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№39-40 (992-993)  
2026 йил 26 май, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Қурбон ҳайити  
муборак бўлсин!



3

## Халқаро қурилиш ва техник касблар академияси иш бошлади



Қибрай туманидаги Халқаро қурилиш ва техник касблар академияси.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманида Халқаро қурилиш ва техник касблар академияси фаолиятига старт берилди.

Севинч КАРИМОВА  
ЎзЖОКУ талабаси.

Мазкур замонaviй таълим маскани қурилиш ва техник соҳалар учун халқаро стандартларга жавоб берадиган малакали мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, бу ерда 10 дан ортқ йўналиш бўйича таълим берилади. Тингловчиларга замонaviй билим ва амалий

кўникмаларни эгаллаш учун кенг имкониятлар яратилган. Марказнинг йиллик қуввати беш минг нафарни ташкил этиши эса, юртимизда техник кадрларга бўлган эҳтиёжни қондиришда муҳим қадам бўлади.

Очилиш маросимида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг ўринбосари Давронжон Адиллов иштирок этиб, бугунги кунда глобал меҳнат бозорига юқори малакали ишчи кучига талаб ортиб бораётганини таъкидлади.



Айниқса, маҳаллий кўникмаларнинг халқаро миқёсда тан олинмаслиги ва таълим методологияларининг замонaviй индустрия талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. "Моҳир уста" маркази айнан шу муаммоларга ечим сифатида ташкил этилган бўлиб, ёшларни замонaviй касб-хўнарларга ўқитиш, уларни халқаро меҳнат бозорига тайёрлашни мақсад қилган. Кампус ҳудудида 350 ўринли ётоқхона ва меҳмонхона қурилгани ҳам тингловчилар учун катта қўлайлик яратди. Бу,

республикаимизнинг турли ҳудудларидан келган ёшларга таълим олиш ва малакасини ошириш имконини беради.

Энг муҳими, академия битирувчилари халқаро даражада тан олинмаган сертификатларга эга бўлади. Жумладан, Европа саноат стандарти – ISO, Германия пайвандлаш стандарти – DVS ҳамда Америка пайвандлаш жамияти стандарти – AWS каби сертификатлар ёш мутахассисларнинг хорижда ҳам муносиб иш топишига хизмат қилади.

## Маҳаллалар кўркам қиёфага кирмоқда



Пешку туманидаги маҳаллалар ички йўллари янгиланмоқда.

Бухоро вилояти Пешку туманида аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш ва ички йўллари таъмирлаш борасида амалий ишлар изчил давом этмоқда.

Зулфизар МАВЛОНОВА,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Айниқса, кейинги йилларда маҳаллаларда йўллари асфальтлаш ишларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу эса одамларнинг кайфияти ва ҳаётини ҳам ўз аксини топмоқда. Бугун тумандаги "Янгибозор", "Хуррам" ва "Кучок" маҳалла фуқаролар йиғинларида олиб борилаётган йўлсозлик ишлари ана шу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасига айланган.

Айни кунларда туман механизациялашган йўлсозларидан иборат ишчи гуруҳ "Янгибозор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган маҳаллий аҳамиятга эга "80 V 027" русумли автомобиль йўлининг 2 километр қисмида жорий таъмирлаш ишларини амалга оширмоқда. Ҳозирга қадар мазкур йўлнинг 220 метр қисмида асфальтлаш ишлари бажарилган. Аҳоли ва ҳайдовчилар учун хавфсиз ҳамда қўлай ҳаракатланиш шароити яратилган. Илгари чанг ва лой тўфайли аҳолига қийинчилик туғдириб келган йўлнинг тартибга келтирилиши маҳалла аҳли томонидан мамнуният билан қарши олинмоқда.

Туманда шунингдек, "Хуррам" ва "Кучок" маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам кенг қамровли ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, "Хуррам" маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биноси учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 180 миллион сўм маблағ ажратилиб, янги идора биноси қурилган. Бундан икки йил аввал эса маҳалладаги 13-сонли умумий ўрта таълим мактаби филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилган эди. Ҳақиқатан мазкур таълим масканида 220 нафар ўқувчининг замонaviй шароитларда таҳсил олиши учун барча имконият яратилган. "Кучок" маҳалласида ҳам муҳим ишлар амалга оширилган. Жумладан, маҳаллий аҳолининг мурожаат ва тақлифлари асосида ушбу икки МФЙда 1 минг метрдан зиёд ички йўллар таъмирланиб, асфальт қопламаси ётқизилган.

Айтиш лозимки, ҳозирда мазкур маҳаллаларда яна 800 метр масофадаги йўлни асфальтлаш ишлари бажарилмоқда. Шундан, 2 минг метр қисмидаги таъмирлаш ишларини "Пешку" туман йўллардан фойдаланиш корхонаси" давлат муассасаси ишчи мутахассислари таъмирламоқда. Кўп йиллардан буён реконструкцияга муҳтож бўлган ушбу йўл аҳолига турли нуқулликлар туғдириб келган. Энди эса маҳаллий аҳоли, йўловчи ва ҳайдовчилар учун хавфсиз ҳамда раван ҳаракатланиш имконияти яратилди.

Шунингдек, маҳаллий аҳолидан келиб тушаётган мурожаат ва тақлифлар асосида ўтган йили туман йўлсозлари томонидан 73 километр тупроқ йўл тўлиқ шағаллаштирилган. Йўлнинг иккинчи ярмида қарийб 17 километр йўл асфальтлаштирилган. Бу ишлар учун бир йил давомида 5 миллиард 186 миллион сўм маблағ сарфлангани соҳадаги ишлар кўламини яққол кўрсатади.

Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси тасарруфида маҳаллий аҳамиятга эга 306 километр умумфойдаланув автомобиль йўли мавжуд. Жорий йилнинг биринчи ярмида умумий қиймати 3,5 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 554 метр пидедалар йўлаги қурилди. Юздан ортқ эскирган ва яроқсиз йўл белгилари янгисига алмаштирилди. Бу ишлар учун 260 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Энг муҳими, кейинги йилларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида йўллар давомида қаровсиз қолган кўчалар обод бўлмоқда. Буларнинг бари, одамларнинг оғирини енгил қилиб, кундалик ҳаётдаги ташвишларини камайтиришга хизмат қилади.



Зомин туманидаги болалар оромгоҳи

## Оромгоҳлар янги мавсумга тайёр

Ёз – болалар учун шунчаки таътил эмас. Бу давр уларнинг жисмоний соғломлашиши, маънавий камолоти, янги дўстлар орттириши, иқтидор ва қизиқишларини намоеън этиши учун муҳим босқич ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда болаларнинг ёзги дам олишини мазмунли ташкил этиш, хавфсизлигини таъминлаш ҳамда соғлом духит яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Бугун юртимизнинг турли ҳудудларида жойлашган болалар оромгоҳларида қизгин тайёргарлик ишлари якунланиб, ёзги мавсумга старт берилмоқда. Айниқса, тоғ бағридаги мусаффо ҳаво, серсоя дарактлар ва табиат кўйида жойлашган оромгоҳлар яқин кунларда яна болалар кулгиси билан тўлади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 2026 йил ёзги мавсумда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини юқори савияда ташкил этиш бўйича Республика комиссияси мажлиси баёни лойиҳаси ишлаб

чиқилди. Унда оромгоҳларда хавфсизлик, санитария, тиббий хизмат, таълим-тарбия ишлари ҳамда маданий тадбирларни янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Мазкур соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 ноябрдаги "Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2024 йил 29 майдаги "Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам оладиган болалар қамровини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 февралдаги 84-сонли қарори муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Сирдарё вилоятида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар сони 118 минг 524 нафарни ташкил этади. Жорий ёзги мавсумда уларнинг 4 минг 250 нафари болалар оромгоҳларига қамраб олиниши режалаштирилгани соҳадаги ишлар кўламини яққол намоеън этади.

Хусусан, Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига қарашли Жиззах вилояти Зомин тумани Қўриқ қишлоғида жойлашган Зомин ҳамда Сирдарё тумани Шиликор маҳалласи ҳудудидаги "Сирдарё" стадион болалар оромгоҳларида жами 2100 нафар боланинг дам олиши кўзда тутилган. Шунингдек, вилоят мактабгача ва мактаб таълими тизимида ташкил этиладиган 23 та кундузги болалар оромгоҳида яна 2150 нафар бола қамраб олинади.

Айниқса, Зомин тоғлари бағрида жойлашган "Зомин" болалар соғломлаштириш оромгоҳи бу йилги мавсумни юқори тайёргарлик билан қарши олди. Табиатнинг бетакрор гўзаллиги кўчогиди жойлашган ушбу маскан болалар учун нафақат ҳордиқ чиқариш, балки маънавий ва жисмоний камолот мактабига айланмоқда.

Оромгоҳда замонaviй турар-жой бинолари, болалар бассейни, спорт майдонлари, кутубхона, 300 ўринли йиғинлар зали, ўндан ортқ тўгараклар ҳамда интерактив машғулотлар ташкил этилган. Бу ер бир вақтнинг ўзида 260 нафар болани қабул қилиш имкониятига эга бўлиб, жорий мавсумда 5 босқичда 1300 нафар болани қамраб олиш режалаштирилган.

Бу ерда болаларнинг кун тартиби фақат дам олиш билан чекланмайди. Президентимиз томонидан илгари сурилган "5 муҳим ташаббус" доирасида инглиз, рус ва корейс тиллари курслари, ментал арифметика, тасвирий санъат, миллий ва замонaviй рақс, "Моҳир қўллар" тўрагаги, китобхонлик кечалари, интеллектуал ўйинлар ва спорт мусобақалари ташкил этилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ишлаб чиқилган 12 кунлик махсус дастур оромгоҳ ҳаётини янада мазмунли ташкил этишга хизмат қилмоқда.



# Нега айрим янги уйлар ТИЗ ЕМИРИЛАДИ?

Бугунги кунда Ўзбекистонда, айниқса, Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларда қурилиш соҳаси жадал ривожланмоқда. Янги гузар жой массивлари, кўп қаватли уйлар, хусусий коттежлар, савдо марказлари ва замонавий бинолар сони ортиб бормоқда. Бу жараён аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, иқтисодий ривожлантириш ва шаҳарлар қиёфасини янгилашда муҳим аҳамиятга эга.

## Нодирахон ОБИДОВА,

Тошкент давлат юридик университети талабаси.

Бироқ айрим янги уйлар фойдаланишга топширилгандан кейин қисқа вақт ичида турли нуқсонлар кўрина бошлади. Деворларда ёриқлар пайдо бўлиши, шифтларнинг чуқиши, томдан сув ўтиши, намлик, моғор ёки коммуникация тизимларининг ишдан чиқиши фуқароларда ҳақли эътирозларга олиб боради. Бу ҳолат нафақат техник, балки ҳуқуқий муаммо ҳам ҳисобланади.

Аввало, ҳар бир фуқаро сифатли ва хавфсиз уй-жойда яшаш ҳуқуқига эга. Уй сотиб олаётган шахс қурувчи ташкилот билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатга киришади ва бунинг асосида қурувчи белгиланган стандартларга жавоб берадиган, фойдаланиш учун яроқли ҳамда хавфсиз объектни топшириши шарт. Агар топширилган уйда яширин нуқсонлар мавжуд бўлса ёки у белгиланган талабга жавоб бермаса, бу шартнома мажбуриятларининг бузилиши ҳисобланади.

Янги уйларнинг тез емирилишининг асосий сабабларидан бири – қурилиш жараёнида сифат талабларига риоя қилинмаслигидир. Қурувчи ташкилот айрим ҳолларда харажатни камайтириш ёки қурилишни тезроқ топшириш мақсадида сифатсиз материаллардан фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолат истеъмолчининг ҳуқуқларини бузади. Чунки уй сотиб олувчи фуқаро ўз маблағи эвазига сифатли маҳсулот олишни кутади. Агар уй сифатсиз қурилган бўлса, харидор камчиликларни бепул бартараф этишни, зарар ундиришни ёки айрим ҳолларда шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Курилишдаги лойиҳа ҳатолари ҳам ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлади. Ҳар қандай бино ваколатли мутахассислар томонидан тайёрланган лойиҳа асосида қурилиши лозим. Агар геологик ҳолат ўрганилмаса, пойдевор нотўғри лойиҳаланса ёки сейсмик хавфсизлик талаблари бузилса, кейинчалик юзага келган зарар учун айбдор шахслар жавобгар бўлиши мумкин. Чунки қонунчиликда инсон ҳаёти ва мол-мулкига хавф туғдирадиган қурилиш ишлари қатъиян ман этилади.

Назорат масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Қурилиш соҳасида давлат органлари ва ваколатли инспекция тузилмалари томонидан техник назорат олиб борилади. Объектларнинг лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, материаллар сифати ва хавфсизлик талабларига риоя этилиши текширилиши керак. Агар назорат сўст бўлса ёки қонун бузилишлари кўз юмилса, сифатсиз бинолар фойдаланишга топширилиши мумкин. Бундай ҳолатларда мансабдор шахсларнинг ҳам жавобгарлиги келиб чиқади.

Уй сотиб олган фуқаро ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятига эга. Агар уйда нуқсон аниқланса, у аввало, қурувчи компанияга ёзма мурожаат қилиши, камчиликларни бартараф этишни талаб қилиши мумкин. Агар мурожаат натижа бермаса, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органларга, қурилиш назорат ташкилотларига ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд. Суд орқали моддий зарар, маънавий зарар ва таъмирлаш харажатларини ундириш масаласи кўриб чиқиши мумкин.

Янги уйларнинг тез емирилиши мулк ҳуқуқига ҳам салбий таъсир қилади. Чунки фуқаро кўп йиллик меҳнати ва катта маблағи эвазига уй сотиб олади. Агар уй сифатсиз бўлса, унинг мол-мулки қадрсизланади, қўшимча таъмир харажатлари пайдо бўлади ва хавфсиз яшаш имконияти чекланади. Шу боис, сифатли қурилиш масаласи бевосита фуқароларнинг конституциявий манфаатлари билан боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, айрим янги уйларнинг тез емирилиши оддий техник нуқсон ёки тасодифий ҳолат эмас. Бу сифатсиз қурилиш материалларидан фойдаланиш, нотўғри лойиҳа, малакасиз ишчи кучи, сўст назорат, иқлим таъсири ҳамда тез фойда олишга интилиш каби омиллар натижасида юзага келадиган жиддий муаммодир. Мазкур ҳолат нафақат бинонинг мухтакамчилигига, балки фуқароларнинг уй-жой ҳуқуқи, истеъмолчи сифатидаги манфаатлари, мулк дахлсизлиги ва хавфсиз яшаш ҳуқуқига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Уй-жой инсон ҳаётидаги энг катта бойликлардан бири бўлиб, у шунчаки бино эмас, балки оиланинг осойишталиги, хавфсизлиги ва келажагини ёқидолади. Шу сабабли қурилиш соҳасида сифат, ҳалоллик, шаффофлик, масъулият ва қонунийлик устувор бўлиши зарур. Фақат пухта лойиҳа, малакали меҳнат ва қатъий назорат асосида бунёд этилган уйлар фуқароларга узоқ йиллар давомида ишончли ва хавфсиз хизмат қила олади.



фатсиз бинолар фойдаланишга топширилиши мумкин. Бундай ҳолатларда мансабдор шахсларнинг ҳам жавобгарлиги келиб чиқади.

Уй сотиб олган фуқаро ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятига эга. Агар уйда нуқсон аниқланса, у аввало, қурувчи компанияга ёзма мурожаат қилиши, камчиликларни бартараф этишни талаб қилиши мумкин. Агар мурожаат натижа бермаса, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органларга, қурилиш назорат ташкилотларига ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд. Суд орқали моддий зарар, маънавий зарар ва таъмирлаш харажатларини ундириш масаласи кўриб чиқиши мумкин.

Янги уйларнинг тез емирилиши мулк ҳуқуқига ҳам салбий таъсир қилади. Чунки фуқаро кўп йиллик меҳнати ва катта маблағи эвазига уй сотиб олади. Агар уй сифатсиз бўлса, унинг мол-мулки қадрсизланади, қўшимча таъмир харажатлари пайдо бўлади ва хавфсиз яшаш имконияти чекланади. Шу боис, сифатли қурилиш масаласи бевосита фуқароларнинг конституциявий манфаатлари билан боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, айрим янги уйларнинг тез емирилиши оддий техник нуқсон ёки тасодифий ҳолат эмас. Бу сифатсиз қурилиш материалларидан фойдаланиш, нотўғри лойиҳа, малакасиз ишчи кучи, сўст назорат, иқлим таъсири ҳамда тез фойда олишга интилиш каби омиллар натижасида юзага келадиган жиддий муаммодир. Мазкур ҳолат нафақат бинонинг мухтакамчилигига, балки фуқароларнинг уй-жой ҳуқуқи, истеъмолчи сифатидаги манфаатлари, мулк дахлсизлиги ва хавфсиз яшаш ҳуқуқига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Уй-жой инсон ҳаётидаги энг катта бойликлардан бири бўлиб, у шунчаки бино эмас, балки оиланинг осойишталиги, хавфсизлиги ва келажагини ёқидолади. Шу сабабли қурилиш соҳасида сифат, ҳалоллик, шаффофлик, масъулият ва қонунийлик устувор бўлиши зарур. Фақат пухта лойиҳа, малакали меҳнат ва қатъий назорат асосида бунёд этилган уйлар фуқароларга узоқ йиллар давомида ишончли ва хавфсиз хизмат қила олади.

# Ноқонуний қурилишлар буздирилмоқда

Қорақалпоғистон Республикасида Кадастр ходимлари томонидан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида ер майдонларида амалга оширилган қонун бузилиши ҳолатлари кўпинча фуқаролар томонидан ихтиёрий бартараф этилмоқда. Ихтиёрий бартараф этилмаган қурилишлар бўйича эса Фуқаролик ишлари бўйича Судларга ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонида ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш тўғрисида даъво аризалари киритилади.

## Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хусусан, Фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро суди томонидан ноқонуний қурилган қурилмалар деб топилди, суднинг 2024 йил 28 октябрдаги қарорига асосан, Нукус шаҳар Тез-тиббий ёрдам кўрсатиш шифохонаси олдига жойлашган гуммаҳоналарни мажбурий буздириш ва ер майдонини дастлабки ҳолатга келтириш белгиланган.

Ушбу қарор бўйича чиқарилган ижро ҳужжати Мажбурий ижро бюроси Нукус шаҳар бўлими иш юритувига келиб тушиб, бўлим давлат ижросини томонидан ижро харажатларига киришилди.

Жумладан, жавобгарга ноқонуний қурилмаларни ўз ҳисобидан бузиши лозимлиги, суд қарори ижросини таъминлашга оқибатлари ҳақида бир неча мартаба тушунтириш ва оғохлантиришлар берилди. Шунга қарамастан, жавобгар томонидан ноқонуний қурилмалар ихтиёрий равишда бартараф этилмаган.

Шу сабабли, ноқонуний қурилмалар мутасадди ташкилотлар иштирокидида ишчи тартибда мажбурий буздириб ташланди.



# Оромгоҳлар янги мавсумга тайёр

Хар бир кун муайян мавзуларга бағишланган. Жумладан, "Салом, оромгоҳ!", "Болалар фестивали", "Харбий ватанпарварлик", "Миллий қадриятлар", "Заковат", "Ижод ва истеъдод", "Она табиятнинг асраши", "Моҳир қўллар – касб-ҳунар", "Спорт ва саломатлик", "Миллатлар дўстлиги", "Туризм ва ўлкашунослик", "Сарҳисоб" каби мавзулар болаларнинг дунёқараши ва ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Болалар оромгоҳида фақат ҳордиқ чиқармайди, балки ўз иқтидорини ҳам кашф этади, деди оромгоҳ раҳбари Абдулазиз Шавкатов. Ушбу мухбири Фулом Примовга. – "Заковат", "Ижод ва истеъдод", "Миллий қадриятлар" каби машғулотлар орқали уларнинг фикрлаш қобилияти, дунёқараши ва жамоада ишлаш қўникмалари шаклланади.

Оромгоҳларда болалар хавфсизлиги ва саломатлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қунига 6 маҳал диетологлар тавсияси асосида таомлар тайёрланади. Аллергияси бор болалар учун махсус овқатланиш тизими йўлга қўйилган. Домий тиббий пункт, тез тиббий ёрдам хизмати, ёнғин хавфсизлиги гуруҳлари ҳамда ички ишлар ходимлари навбатчилиги ташкил этилган.

Оромгоҳдаги тиббий шароитлар болаларнинг соғлом дам олиши учун тўлиқ мослаштирилган. Болаларнинг ҳар бир куни тиббий назорат остида ташкил этилади. Тоғ ҳавоси, мусаффо муҳит ва соғлом овқатланиш уларнинг иммунитетини мустаҳкамлайди, деди болалар шифокори Шухрат Қиличев.

# Кўп қаватли уйларда қулай муҳит яратилмоқда

Жиззах вилоятида бугунги кунда 2566 та кўп қаватли уйга 35 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатади. Мазкур уй-жойларнинг аксарияти ўтган асрнинг 70-йилларида барпо этилган бўлиб, асосан, 2-4-5 қаватли бинолардан иборат. Табиийки, йиллар давомида ичимлик ва оқова сув тармоқларининг эскириши, иситиш тизимларидаги усқуналарнинг яроқсиз ҳолга келиши каби муаммолар тобора кўпайганди.

## Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 2 декабрь кунини вилоятта ташрифи давомида бошқа қатор долзарб масалалар билан бирга аҳоли учун муносиб яшаш шароитларини яратиш, коммунал инфратузилмани яхшилаш ҳамда кўп қаватли уй-жой фондиди замон талаблари асосида модернизация қилиш бўйича мутасаддилар олди-аниқ ва устувор вазифалар кўйилди. Бугунги кунда мазкур топшириқлар ижросини таъмин-



Янги қозонхона барпо этилмоқда.

лаш мақсадида ишлаб чиқилган аниқ режалар асосида худудларда кенг қўламли қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жадал суруятларда давом этмоқда.

Эътиборлиси, бу ишлар ўзининг амалий натижасини ҳам бера бошлади. Жумладан, Шароф Рашидов туманида барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивида қўшимча 3,8 километрлик иссиқлик тармоғини қуриш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, Дўстлик туманидаги "Чинобод" маҳалла фуқаролар йиғини худудидан қисқа муддатда замонавий қозонхона бунёд этилиб, ишга туширилди. Натижада худуддаги 19 та кўп қаватли уй ҳамда 3 та ижтимоий соҳа объекти марказлашган иссиқлик тармоғига улан-иб, аҳоли учун янада қулай шароит яратилди.

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи Асқар Орифхўжаевнинг таъкидлашича, кўп қаватли уйларни таъмирлаш, уларга туташ худудларни ободонлаштириш ҳамда иссиқлик таъминотини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар аҳолининг фаровонлигини ҳам яхшилашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, мазкур ишлар энергиятежамкорлигини таъминлаш, табиий газ сарфини қисқартириш, шаҳар ва туманлар қиёфасини замон талаблари асосида янгилашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоят худудларидаги кўп қаватли уйлар инфратузилмасини тубдан янгилашга қаратилган дастур доирасида тегишли ташкилотлар масул этиб белгиланиб, маҳаллий бюджет, бошқарув сервис компаниялари ҳамда ҳоимийлик маблағлари ҳисобидан зарур маворий манбалар шакллантирилди. Ана шу сай-харажатлар натижасида бугунги кунга қадар 1783 та кўп қаватли уй ва уларнинг умумий фойдаланиш худудларида мукамал ҳамда жорий таъмирлаш ишлари сифати амалга оширилди. Жумладан, 1439 та уйнинг фасад қисми мўътадил иқлимни сақлаш хусусиятига эга базальт қопламаси билан қопланди. Шунингдек, яна бир қанча уйнинг том қисми, кириш йўлига, ертўласининг ички муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ички иссиқлик тизими таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, электр тақсимловчи шит, фрамуга ромлари ўрнатилиб, кодли темир эшик ўрнатилиди.

Жиззах шаҳрига туташ худудларда ҳам ободонлаштириш ишлари изчил давом этмоқда. Жорий йилнинг ўзидаёқ 56 та болалар майдончаси барпо этилиб, пёидалар йўлакларини қурилди ҳамда тунги ёритиш мосламаси ўрнатилиди. Бу каби ишлар кўп қаватли уйлар атрофидаги муҳитни янада обод ва кўркем қилиш билан бирга, аҳоли учун хавфсиз ҳамда қулай яшаш худудини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Коммунал инфратузилмани яхшилашга қаратилган муҳим йўналишлардан яна бири – иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилишга доир лойиҳалар ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 11 мартдаги "Уй-жой ҳамда бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада асосий дастуруламал вазифасини бажармоқда.

Хозирги кунда вилоят "Иссиқлик таъминоти" МЧЖга қарашли 12 та қозонхона фаолият юритиб, 159 та кўп қаватли уй ҳамда 24 та ижтимоий соҳа объектини марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлаб келмоқда. Шу билан бирга, мазкур объектларда эскирган техника ва технология усқуналарни замонавий, энергиятежамкор жиҳозларга алмаштириш бўйича босқичма-босқич модернизация ишлари амалга ошириляпти.

# Халқимизга байрам муборак бўлсин!

**Козим ТУЛЯГАНОВ,**  
Архитектура ва қурилиш соҳасида  
фахрийлар кенгаши  
раиси.



**Азалдан бағрикенглик, меҳр-оқибат, яхшилик қилиш каби эзгу фазилатларга эга ўзбек халқи ҳар бир байрамни кутаринки руҳда, катта тайёргарлик билан кутиб олишга одатланган. Шу боис, эртанги Қурбон ҳайитини ҳам муносиб кутиб олиш мақсадида юртимизда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир ташкилот, ҳар бир қорхонада ёши улуглар, фахрийлар ҳамда беморлар ҳолидан хабар олиниб, байрам совғалари улашляпти.**


Хусусан, Архитектура ва қурилиш соҳасида фахрийлар кенгаши томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Фахрийлар билан учрашувлар ташкил қилиниб, уларга керакли ёрдамлар кўрсатиляпти. Уларга дам олиш масканларига ва саломатликларини тиклаш учун

тиббиёт муассасаларига йўланмалар тақдим этилмоқда. Соғломлаштириш тадбирларини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Қасба уюшмалари федерацияси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Шунингдек, Устав талабидан келиб чиқиб, жорий йилда ижтимоий ва моддий ҳолатини яхшилаш, уларга маиший, тиббий, маданий ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш ва амалга оширишда кўмаклашиш ҳамда ижтимоий сўғурта ва соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида 40 нафарга яқин кенгаши фахрий билан давра сўхбатлари ўтказилди. Фахрийликка қабул қилинган номзодларнинг амалга оширилган ишлари ва соҳага қўшган ҳиссалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларида жонбозлик кўрсатиб, соҳа ривожини йўлида самарали меҳнат қилаётган моҳир қурувчилар, лойиҳачилар, архитекторлар, уста меъмор муҳандислар кенгашининг фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

Халқимизнинг энг сеvimли байрамларидан бири – Қурбон ҳайити билан юртимизда фаолият юритаётган барча архитектору меъморлар, қурувчилар, ҳамкасблар ҳамда барча ватандошларимизни кенгаши жамоаси номидан табриклаймиз! Хонадонингиз ҳамиша файзу баракага тўлиб, барча эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин.



## Фарзандларимиз бу байрамни интиқлик билан кутсин!

Ҳаммамиз ҳайит байрамини болалигимиздан интиқлик билан куттишга одатланганмиз. Айниқса, ҳайит намозидан қайтган дадамиз, бобою амакиларимиз, тоғаю акаларимизнинг қўлидаги ширинликлар биз болаларнинг жону дилимиз эди. Қолаверса, ҳайитлик деб берилган пуллар биз учун жуда қадри бўлиб, уни ҳам фақат яхши нарсаларга сарфлашга ҳаракат қилардик.

**Райҳона ХУҲАЕВА,**  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

"Пайгамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам)нинг хутба қилаётган бундай деганларини эшитганман: "Ушбу кунда биринчи қилинадиган иш байрам намозини ўқишдир, сўнгра қурбонлик қилишдир. Кимки шундай қилган бўлса, албатта, бизнинг суннатимизга эргашибди" (Имом Бухорий ривояти).

**Масжидда пиёда юриб бориш** – агар йўл узоклик қилмаса, қор-ёмғир ёғмаса, касал бўлмаса ҳайит куни намозгоҳга пиёда юриб бориш суннат ҳисобланади.

**Масжидда боргунча овозини чиқариб таҳлил ва такбир айтиб бориш** – ҳайит намозини ўқиш учун уйдан чиқилган пайтдан то намозгоҳга етиб боргунча "Ла илаҳа иллаллоҳ" ва "Аллоху акбар" ларни айтиб бориш ҳам суннат ҳисобланади. Ушбу суннатни адо этиш Исломи ширини изҳор қилиш ва ҳайит байрами келгандан шодланиш ифодаси ҳамда ушбу куннинг олдинги ва кейинги кунлардан фарқли кун эканини барча инсонларга билдириш ҳисобланади.

**Ҳайит намозидан олдин бошқа бирор нафл намоз ўқимаслик** – ҳайит намозига етиб боргандан сўнг таҳийатуи масжид ёки бошқа бирор нафл намоз ўқимасдан таҳлил ва такбирлар айтиб зикр қилиб ўтириш суннатдир. Абу Саид Худрий (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: "Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) Ийбиддан олдин ҳеч нарса ўқимас эдилар, қачон манзилларига қайтсалар икки ракаат намоз ўқидилар" (Ибн Можар ривояти).

**Бир-бирлари билан кўришиб, ҳайит билан муборакбод этиш** – инсонларнинг бир-бирлари билан кўришишлари ва ҳайит байрами билан кутлашлари ҳам барчанинг кўнглига хурсандчилик улашадиган бу куннинг одобларидан ҳисобланади.

мон шариатда ман қилинган ишлардан тийилиш лозим. Чунки бу кунда қилинган хайрли ишларнинг савоби улуг бўлганидек, ношарий ишларнинг ҳам гуноҳи каттадир. Гўё "ҳайитда руҳсат" дегандек турли ношарий ўйин-қулгудар билан машғул бўлиш ёки ақсиз шариат байрам қилиб белгиланган кунни азага айлантириш ярамайди. Эро ҳайит куни ҳам мусулмон кишининг бошқа кунлари сингари яхшилик ва хайр-барака куни бўлиши, гуноҳ ва маъсиятлар содир этадиган кун бўлмаслиги керак.

**Ёш болаларни хурсанд қилиш** – Ҳайит байрамида ёш болаларни хурсанд қилишга, бу куннинг бошқа кунлардан фарқли мусулмонларнинг байрами эканини аниқлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунда уларга ҳайитлик совғалар улашиш, ҳайвонот боғларига ёки ўйингоҳларга олиб бориб ўйнатиб келиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ҳайит байрамининг шодликларидан эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларини ҳам баҳраманд қилишга уриниш комил мусулмонлик белгиларидан биридир. Эро ҳар бир воқеа ёш боланинг онгида тошга ўйилган нақш каби сақланади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда инсон қилини улуглаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, жамиятда меҳр-оқибат, саховат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу тамоиллар, айниқса, халқимизга хос эзгу фазилатларни мужассам этган муборак Қурбон ҳайити кунларида янада ёрқин намоян бўлади. Хусусан, Президентимизнинг муборак Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисидаги қарори қабул қилиниди. Қолаверса, юртбошимиз Қурбон ҳайити муносабати билан эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан тақлифлар тақдими билан танишди.

Тақдиротда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда "Вақф" хайрия жамоат фонди томонидан ишлаб чиқилган тақлифлар ҳақида ахборот берилди.

Уларга кўра, Қурбон ҳайити муносабати билан кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Жумладан, оғир ва ногиронликни келтириб чиқарувчи касалликларга қалинган 10 минг нафар болада жарроҳлик амалиёти ўтказиш, 2,3 минг нафар онкологик, гематологик ва онкогематологик ташхиси қўйилган беморларни тиббий текширувдан ўтказиш, даволан ва жарроҳлик амалиётлари, шунингдек, камда 350 нафар беморда жигар ва буйрак трансплантацияси амалиётларини ўтказиш харажатларини қоплаш кўзда тутилган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. 8 минг нафардан зиёд етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар ҳамда Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган ота-оналарнинг фарзандларининг омонат ҳисобварақларига 200 АҚШ доллари миқдорига пул маблағлари ўтказиб берилди.

Бундан ташқари, 500 та масжидда аҳоли учун қулай шароитлар яратиш мақсадида замонавий таҳоратхоналар қуриш, реконструкция қилиш ёки таъмирлаш, шунингдек, жойлардаги қабристонларни обод қилиш ишлари амалга оширилади. Давлат таъминотидаги оилалар, ўзгалар парваршига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кескалар ва ногиронлиги бўлган шахслар озиқ-овқат тўпламлари билан таъминланади.

Мазкур чора-тадбирлар "Вақф" хайрия жамоат фондида ажратиладиган 690 миллиард сўм маблағ ҳисобидан молиялаштирилади. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифалари учун эксон дастурхоналари ёзиш, зоти ёраттоҳлар ва диний таълим ташкилотларида қурбонлик тадбирларини ўтказиш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, ушбу муборак байрамни катта тайёргарлик, кўтаринки руҳ, шоду хуррамликда ўтказайлик. Токи, фарзандларимиз "Ҳайит байрами яна қачон бўлади?" дея интиқлик билан куттишсин. Эзгу ниятлар амалга ошадиган қувончи кунда барчамизнинг қалбимиздаги энг улуг мақсадларимиз ижобат бўлсин...



## Қадриятларимизнинг муносиб ўрни бор

Муборак Қурбон ҳайитини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик ғоялари ҳамда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуглаш халқимизнинг азалийи анъанасига айланган.

**Улугбек МАЖИДОВ,**  
Самарқанддаги "Ulug house" МЧЖ раҳбари.

Қурбон ҳайитини муносиб нишонлаш тўғрисида Президентимизнинг қарори қабул қилиниди. Қарорга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жойларда Қурбон ҳайитини миллий анъаналарга ўйгун ҳолда ўтказиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Ушбу муборак байрам юртимизда ҳар йили шундай кўтаринки кайфиятда ўтказилади. Аҳамиятлиси, бу кунда юртдошларимизнинг муқаддас ёдгорликлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларини ташкил этиш, қулайликлар яратиш учун имкониятлар яратилади. Барча соҳа эгалари, жумладан, биз, қурувчилар ҳам ушбу байрамни муносиб тарзда нишонлашга ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг кундан кунга чирой очиб бораётгани, аҳоли турмуш тарзининг яхшиланаётгани барчага маълум. Бунда миллий анъаналаримизга кенг йўл берилганлиги, қадриятларимиз қадрланаётганининг ҳам муносиб ўрни бор. Бугунгидек улуг айём кунларини кенг нишонлаш бунёдкорларга ҳам хос хислат. Улар байрам арафасида халқимиз учун қанчадан-қанча йирик ишҳоотлар, ижтимоий объектлар, турар жой биноларини қуриб, фойдаланишга топширидилар. Бундай меҳнат юртимиз ободончилиги йўлидаги қўшилаётган улкан ҳиссадир, албатта.

Турмушимизда бағрикенглик, эзгулик, меҳр-мурувват, дўстлик ва яна фақат яхшиликка хизмат қилувчи шундай тушунчалар борки, уларнинг бари бир-биридан улуг, ҳар бири одамларни мудом яхшиликлар сари етаклайди. Улар халқимизнинг маънавиятли, маданиятли бўлишига хизмат қилади.

## Қадр-қиммат бор бўлсин!

**Исроил АНВАРОВ,**  
Самарқанддаги "Нилуфар" МЧЖ шаклидаги қурилиш қорхонаси директори.

Менинг назаримда, ана шундай эзгу фазилатлар туфайли инсонийлик, биродарлик, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик тамоиллари мустаҳкамланади, улуғланади. Шу жиҳатдан ҳам инсон ҳаётида меҳр-муҳаббатнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Халқимиз эртага муборак Қурбон ҳайити байрамини нишонлайди. Ушбу кутлуғ айёмни муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик ғоялари ҳамда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуглаш халқимизнинг азалий анъанасига айланган.

Дарҳақиқат, Қурбон ҳайити байрамининг халқимиз ҳаёти ва юртимиз ривожига аҳамияти катта. Халқимиз бунинг исботини ҳар йили кўриб, хис этмоқда. Бу йил эса Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 27 май кунга тўғри келаяпти. Президентимизнинг қарорига мувофиқ, тегишли идоралар жойларда Қурбон ҳайитини миллий анъаналарга мос тарзда ўтказиш чора-тадбирлари белгилаб олинди. Демак миллий байрам барча шаҳар ва қишлоқларимизда намунали тарзда ташкил этилади.

Юртимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ҳавас қилмай иложи йўқ, Қурилиш соҳаси ходимлари, ишчи-хизматчилар катта маҳорат билан ишлашляпти, уларнинг шижоатига бутун халқимиз қойил қолмоқда. Бунёдкорларнинг гайрат-шижоати туфайли шинам уларга эгалик қилаётганлар уларга миннатдорчилик билдиришмоқда.

Мен ҳам қўли гул маҳоратли қурувчиларни, барча ҳамкасбларимни, бутун халқимизни юртимизда нишонланаётган Қурбон ҳайити байрами билан чин дилдан муборакбод этаман.



**Эзгу ният** – Ҳайит намозига чиқилар экан, зиммасидаги вожиб амалини адо этишни ният қилиш лозим. Пайгамбаримиз Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам)нинг кўрсатмаларини бажариш нияти билан яхши кийимларини кийиб чиқали. Силан раҳм, яъни қавму қариндошларини зиёрат қилишга ҳаракат қилади.

**Ғул қилиш ва хушбўйлаш** – ювниб, тоза-озода бўлгандан сўнг ширин мушк ва атирлар билан хушбўйлашиб чиқиб ҳам бу куннинг одобларидан саналади.

**Яхши кийимлар кийиш** – ҳайит кунинда имкони бор киши янги кийим кийиши мустаҳаб бўлади. Чунки бу иш Аллох таолонинг бандасига берган неъматларини изҳор этиш, шоду хуррамлигини намоян қилиш ҳамдир.

**Қурбон ҳайитида қурбонлик қилишдан олдин ҳеч нарса емаслик** – Қурбон ҳайитида Рамазон ҳайитининг акси улуроқ то ҳайит намозидо этилгунгича таомланмаслик, балки сўйган қурбонлигининг гўштидан ейиши суннатдир. Пайгамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) қурбонлик кунинда намоз ўқигунларича таомланмасдилар (Термизий ривояти).


**Ҳайит намозига эрта бориш** – Барро ибн Озиб (розияллоху анху)дан ривоят қилинади:

Ҳаммамиз ҳайит байрамини болалигимиздан интиқлик билан куттишга одатланганмиз. Айниқса, ҳайит намозидан қайтган дадамиз, бобою амакиларимиз, тоғаю акаларимизнинг қўлидаги ширинликлар биз болаларнинг жону дилимиз эди. Қолаверса, ҳайитлик деб берилган пуллар биз учун жуда қадри бўлиб, уни ҳам фақат яхши нарсаларга сарфлашга ҳаракат қилардик.

Ҳаммамиз ҳайит байрамини болалигимиздан интиқлик билан куттишга одатланганмиз. Айниқса, ҳайит намозидан қайтган дадамиз, бобою амакиларимиз, тоғаю акаларимизнинг қўлидаги ширинликлар биз болаларнинг жону дилимиз эди. Қолаверса, ҳайитлик деб берилган пуллар биз учун жуда қадри бўлиб, уни ҳам фақат яхши нарсаларга сарфлашга ҳаракат қилардик.

**Кўни-қўшиларни байрам билан табриклаш** – муборак кун муносабати билан кўни-қўшиларга таом улашиб, зиёрат қилинса, хурсандчиликлар янада зиёда бўлади.

**Турли исрофгарчиликлардан тийилиш** – бу байрамда хурсандчилик қилаётган мусулмон шариатда ман қилинган ишлардан тийилиш лозим. Чунки бу кунда қилинган хайрли ишларнинг савоби улуг бўлганидек, ношарий ишларнинг ҳам гуноҳи каттадир. Гўё "ҳайитда руҳсат" дегандек турли ношарий ўйин-қулгудар билан машғул бўлиш ёки ақсиз шариат байрам қилиб белгиланган кунни азага айлантириш ярамайди. Эро ҳайит куни ҳам мусулмон кишининг бошқа кунлари сингари яхшилик ва хайр-барака куни бўлиши, гуноҳ ва маъсиятлар содир этадиган кун бўлмаслиги керак.





# Qurbon Hayiti

muborak bo'lsin!



QURILISHDA MUHANDISLIK QIDIRUVLARI,  
GEOAXBOROT VA SHAHARSOZLIK KADASTRI  
LOYIHA ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI



QISHLOQQURILISHLOYIHA

Barcha yurtdoshlarimizga  
*Qurbon hayiti*  
muborak!

Qalbingizdagi barcha ezgu niyatlar  
ijobat bo'lsin,  
xonadoningizdan fayz va baraka  
arimasin.





"O'zshaharsozlik LITI"  
BOSH LOYIHA INSTITUTI DAVLAT MUASSASASI

## Qurbon hayiti muborak bo'lsin!

Bugun qalblar mehrga,  
duolar ijobatga yaqin kun.  
Hayotingizga fayz, xonadoningizga  
baraka, qalbingizga esa cheksiz  
xotirjamlik yor bo'lsin.

## "DENOV-YANGI-TARAQQIYOT"

mas'uliyati cheklangan jamiyati

Yaqinlashib kelayotgan  
qutlug' ayyom –

## Qurbon hayiti

bilan barcha  
yurtdoshlarimizni  
muborakbod etamiz!

Kelgusi yilda ham eson-omon  
shu kunlarga yetish barchamizga  
nasib etsin.



Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

## "Zamonaviy realtor xizmati" MChJ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

"Zamonaviy realtor xizmati" MChJ tomonidan tashkil etiladigan ochiq tanlov savdolariga "Chilonzor buyum savdo kompleksi" AJning 2026 yil 21 maydagi 204-sonli buyurtmanomasiga asosan, "Chilonzor buyum savdo kompleksi" AJ hududida joylashgan loyihalashtirilib kurilishi rejalashtiriladigan va mavjud savdo shoxobchalarining ijaraqa olish huquqi kuyilmoqda:

№	Savdo shoxobchalarining asosiy tavsiflari	Bo'shlang'ich bahosi, sumda
1.	12-18-4A-sonli, umumiy maydoni 12,00 m <sup>2</sup> bulgan savdo shoxobchasi	74 160 000
2.	44-5A-sonli, umumiy maydoni 12,00 m <sup>2</sup> bulgan savdo shoxobchasi	74 160 000
3.	45-31-sonli, umumiy maydoni 16,00 m <sup>2</sup> bulgan savdo shoxobchasi	98 800 000
4.	12-15-22B-sonli, umumiy maydoni 09,00 m <sup>2</sup> bulgan savdo shoxobchasi	55 620 000
5.	45-32-sonli, umumiy maydoni 16,00 m <sup>2</sup> bulgan savdo shoxobchasi	98 880 000
6.	19-3-sonli, umumiy maydoni 45,00 m <sup>2</sup> bulgan savdo shoxobchasi	417 150 000

Savdo shoxobchalarining etish istagini bildirgan talabgorlardan arizalar ushu xabarнома chop etilgan sanadan boslab rasmiy ish kunlari soat 10.00 dan 16.00 gacha qabul qilinadi (13.00 dan 14.00 gacha tushlik). Takliflarni qabul qilishning oxirgi muddati: 2026 yil 23 iyun kuni soat 16.00 gacha.

Talabgorlarning takliflari 2026 yil 25 iyun kuni soat 11.00 dan boslab kuyrib chikiladi. Eng yuqori taklifni bergan talabgor bilan sotuvchi urtasida kelishuv bitimi tuziladi.

Tanlov savdo shu kuni bulib utmagun takdirida, takroriy savdolar 2026 yil 9, 23 iyun, 6, 20 avgust, 3, 17 sentyabr, 1, 15, 30 oktyabr, 13, 27 noyabr, 11, 25 dekabr kunlari sotilgunga qadar soat 11.00 dan boslab utkaziladi.

Savdo qatnashish uchun talabgorlar epik konvertida solingan takliflari va ariza bilan birgalikda kuyidagi xujjatlarni takdim etishadi:

– yuridik shaxslar – davlat ruyxatidan utkazilgani turgusidagi guvohnomaning nusxasi;

– jismoniy shaxslar – STIP va pasportning nusxasi.

Talabgorlar ijaraqa olish huquqining 30 foizidan kam bulmagun miqdordagi summani zakalat sifatida "Zamonaviy realtor xizmati" MChJning kuyidagi hisob raqamiga savdo shoxobchalarining etish uchun ariza topshirgunga qadar tulashtiri shart: 2020 8000 9057 4042 7002 XATB "DAVR BANK" Olmazor filiali MFO 01121 STIP 311 041 441.

Taklifi ma'kul topilgan talabgorga savdo utkazilgan kundan boslab 20 bank ish kuni ichida sotuvchi bilan ijara shartnomasi tuzish majburiyati yuklatiladi.

Savdo tashkilotchisi joylashgan, savdolar utkaziladigan va savdo shoxobchalarining etish uchun arizalar qabul qilindigan manzil: Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani, Xamid Olimjon kuychasi, 13-A uy.  
Telefon: (71) 237-23-82.

Nazorat o'chovini o'tkazish huquqiga ega tashkilotlar diqqatiga!

## O'zbekiston Respublikasi aksiyadorlik tijorat Xalq bank tasarrufidagi "Kokand future invest" MChJ investitsiya tashkiloti

Farg'ona viloyati, Qo'qon shahri, "Aziztepa" MFY, Movarounnahr ko'chasi, 84-uyda qurib bitkazilgan 3 ta 10 qavatli turar-joy binosini nazorat o'chovi o'tkazish maqsadida qurilish obyektida nazorat o'chovini o'tkazish huquqiga ega tashkilotlarini tanlab olish bo'yicha tanlov e'lon qiladi.

Nazorat o'chovi o'tkazish ishlarini amalga oshirishda ishtirok etish istagida bo'lgan tashkilotlar takliflari qabul qilinadi.

Samarali iqtisodiy takliflar kiritgan qurilish loyihalarini ekspertizadan o'tkazish uchun akkreditatsiya qilingan yuridik shaxslar tanlov g'olibi sifatida tanlanadi. Texnik topshiriq va xarid hujjatlari bilan <https://xb.uz> sayti orqali tanishish mumkin.

Takliflar 2026-yil 5-iyungacha qadar Toshkent shahri, Chilonzor tumani, "Fidokor" MFY, 16-mavzey, 10-uy manzilida qabul qilinadi.

Ma'lumot uchun telefon: +998 (77) 477-66-76  
Elektron pochta: [percainvest@xb.uz](mailto:percainvest@xb.uz)

## "O'ZBEKISTON BUNYODKORI" GAZETASIGA 2026 YIL UCHUN

obuna davom etmoqda!

- [uzbunyodkor.uz](http://uzbunyodkor.uz)
- [info@uzbunyodkor.uz](mailto:info@uzbunyodkor.uz)
- [uzbunyodkor](http://uzbunyodkor)
- [t.me/uzbunyodkor](https://t.me/uzbunyodkor)
- [uzbunyodkor](http://uzbunyodkor)
- [qurilish.today](http://qurilish.today)

# Оқ йўл, миллат ўғлонлари!

2026 йил 22 май. Бу сана ўзбек футбол соҳасига нафақат расмий тадбир, балки ўттиз тўрт йиллик буюк орзуимиз ниҳоят ҳақиқатга айланган, давлат раҳбарининг шахсан ўзи ҳар бир юртдошимиз қалбини юксак ғурурга тўлдирган кун сифатида муҳрланди.

Аҳдам ЭҒАМБЕРДИЕВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев миллий терма жамоамизни АКШ, Мексика ва Канада майдонларида ўтадиган тарихий жаҳон чемпионатига кузатиш маросимини иштирок этиб, шунчаки расмий оқ йўл тиламади, балки бутун ўзбек халқи номидан самимий қўллаб-қувватловни, жонкуяр мухлисларимиз меҳр-мухаббатини намойён этди.

Футболни миллионлар ўйини деб бекорга айтишмайди. У нафақат яшил майдондаги кураш, балки миллионлаб инсонларнинг ўйига, орзусига айланган лаҳзалар билан аҳамиятлидир. Эсимизда бор. Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳар гал Жаҳон чемпионати йўланмаси учун охириги лаҳзаларгача, сўнгги сониялар-



гача курашар, аммо драматик тарзда, қандайдир кичик очколар фарқи ёки тўплар нисбатига кўра мундиалдан қолиб кетарди. Ҳар сафар бир хил сценарийлар такрорланаверарди, такрорланаверарди...

Мундиал остонасига жиндек масофа қолганда, марра чизиги кўриниб турганда қоқлаверганимиздан, жонкуяр ва юраги куйган мухлислар алам устида "терма жамоа ўйинини бошқа умуман томоша қилмайман", деб ўзларига аҳд қиларди. Аммо бу аразлар, бу гиналар вақтинчалик эди. Озрок вақт ўтиб, янги саралаш ўйинлари бошлангани билан, ўша миллий жамоадан хафа бўлган миллионлаб мухлисларимиз яна ҳамма нарсани унутиб, зангори экран қаршида, стадион трибуналарида янги умид, янги ишонч ва сўнмас ирода билан жам бўлишарди. Жаҳон чемпионатида шу қадар интиқ, шу қадар ташна бўлганимизда, ҳатто раҳматли Ҳожибой Тожибоевнинг "битта-битта музқаймоқ еб келса ҳам майли", деб бошланувчи машхур ҳажвийси-га ҳам рози эдик, хайрихоҳ бўлардик.

Хуллас, бутун барча чарчоқлар чиқди, ўтган йиллардаги асабузарликлару армонли сценарийлар тугади. Биз 34 йиллик интизорлик, миллионлаб мухлисларнинг кўз ёши ва умиддан яралган ҳақиқий орзулар ушалган лаҳзаларга етиб келдик. Йиллар давомида пишиб етилган футболимиз бутун бир неча баробар ўсди, тизимли ислохотлар ўз мевасини берди. Юртдошларимиз бутун дунёнинг энг нуфузли, хорижий топ чемпионатларида етакчи ролларда тўп суриб, жаҳон футбол мутахассислари ва миллионлаб мухлислар эътиборига тушиб улгурди. Мана шу юксалишнинг мантисий якуни ўлароқ, жаҳон футбол афсонаси Фабио Каннаваро бошчилигидаги терма жамоамизни мундиалга кузатиш маросимида шахсан давлатимиз раҳбарининг иштирок этганининг ўзидек ўзбек спорти тарихидаги мулақо алоҳида, тенгсиз бир воқеядир.

Маросим давомида давлатимиз раҳбарининг юртдошларимизга, фидойи мухлисларга йўлаган самимий сўзлари стадионда йиғилган

Терма жамоамизни кузатиш маросимидан.

ва экран ортида турган ҳар бир инсоннинг қалбига чуқур кириб борди. Президентимиз мамлакатимизда футбол аллақачон ҳар бир оиланинг кадрдон дўстига айлиниб улгурганини алоҳида таъкидлади. Айниқса, ўзбекиона, бетақдор ва жўшун услуби билан стадионларни ларзага келтираётган фан-клубларнинг "ўн иккинчи йилгичи" сифатидаги фаолияти алоҳида эътироф этилди. Президентимиз узоқ қитъадаги шиддатли баҳсларда ҳам минглаб ватандошларимиз миллий жамоамиз атрофида жипслашиб, уларга тоғдай таянч бўлишига юксак ишонч билдирди.

Ушбу унутилмас маросимнинг энг ҳаяжонли ва руҳий қувватга бой лаҳзалари Президентимизнинг миллий жамоамиз аъзолари билан шахсан кўришиб, мулоқот қилган давларига тўғри келди. Давлат раҳбарининг ҳар бир футболчи билан кўришиб, уларнинг руҳини тоғдай кўтариб оқ йўл тилаши оддий бир расмиятчилик эмас, балки ғурури бир отанинг ўз алп ўғлонларини буюк сафарга олантираётган дуога кўл

очган палласига ўхшарди. Бу учрашув футболчиларимиз елкасидagi масъулиятни чуқур ҳис қилдириш билан бирга, уларнинг ортида бутун бошли давлат, муҳташам халқ ва гайратли етакчи турганини яққол намойён этди. Олдинда турган Португалия, Колумбия ва Конго каби дунёнинг энг гранд жамоаларига қарши бўладиган жиддий ва мурасимиз бахслар олдида бу руҳий тайёргарлик, бу юксак ишонч жамоамиз учун энг қудратли қуролга айланади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг стадионни ларзага келтирган, ҳар бир ўзбек ўғлонининг қонини жўш урдирган нутқидаги ушбу сўзлар турнир давомида жамоамизнинг энг бош шiori-га айланиши шубҳасиз: "Шуни билингки, биз доим сизлар биланмиз. Ҳақиқий ўзбекиона жасорат, матонат ва иродат билан чиройли ва ишончли ўйин кўрсатиб, барчамизни хурсанд қиласиз деб ишонамиз!"

Президентимиз жамоага рақиб кимлигидан қатъи назар ютқазидан кўркмасликни, майдонда халқнинг кўп йиллик ишончи ва "ўзбекиона мағрур ирода" нималигини амалда кўрсатишни уқтирди. Терма жамоамиз босиб ўтган йўлни чуқур таҳлил қилар эканман, бугунги тарихий ғалаба ва юксалиш тасодифлар занжири эмас, балки йиллар давомида пишиқ режалаштирилган стратегиянинг натижасидир. Давлатимиз раҳбари нутқида ғурур билан таъкидлаганидек, сўнгги йилларда пойтахтимизда 100 гектардан зиёд майдонда куриб битказилган муҳташам Олимпия шаҳарчаси, яқинда иш бошлаган ва энг замонавий шароитларни мужассам этган Миллий футбол маркази ҳамда Янги Тошкентда қад ростлаётган, ФИФА стандартларига тўлиқ жавоб берадиган 55 минг ўрнига улкан стадион Янги Ўзбекистоннинг спорт салоҳиятини жаҳонга кўрсатувчи энг қабулват пойдевордир. Бугунги терма жамоамизнинг ҳар бир муваффақиятидан руҳланаётган миллионлаб ёш авлодимиз орасидан келажакда янги-янги чемпионлар етишиб чиқishi муқаррар ва бу мамлакатимиз спорт сисъатининг энг олий мақсадидир.

Кузатиш маросими якунида стадион узра янграган ва ҳар бир ватандошимизнинг вужудини титратган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси бутун майдонни, бутун халқни бир тану бир жонга айлантирди. Президентимиз билан тушилган унутилмас эсдалик суратлари, дилдаги энг эзгу ниятлар ва миллионлаб қалбларнинг жўшун ҳайқириги йиғитларимизни чексиз уммон ортига, океан орти майдонларига улкан энергия ва энгилмас руҳ билан кузатиб қўйди. 34 йиллик соғинч, миллионлаб мухлисларнинг армони ва ниҳоят ушалган ҳақиқий орзу – жаҳон чемпионати эшикларини биз учун очилди!

Оқ йўл, миллат ўғлонлари! Сизнинг ортингизда дуога кўл очган 38 миллионлик халқингиз, интизор юракларининг ва сизга ишонган, сиз билан фахрланган Президентингиз турибди! Жасорат, шон-шараф ва мағрур ўзбекиона матонат сизга ёр бўлсин, Янги Ўзбекистоннинг ватанпарвар ўғлонлари!



## Сунъий интеллект ва киберхавфсизлик масаласи муҳокама қилинди

Тошкент шаҳрида "Сунъий интеллект ва ахборот хавфсизлиги: ISO стандартлари рақамлаштириш даврида" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда "Bureau Veritas" (Франция) компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Васила ЭҒАМБЕРДИЕВА,  
журналист.

Конференцияда Ўзбекистон ва Тожикистоннинг йирик саноат корхоналари, банк-молия муассасалари, халқаро экспертлар, IT соҳаси мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда рақамли технологиялар ҳаётининг барча соҳаларига жадал кириб бораётган бугунги шароитда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, кибертаҳдидларга қарши самарали тизим яратиш ва халқаро стандартлар асосида ишлаш масалалари муҳокама қилинди.

Мутахассисларнинг фикрича, сунъий интеллект технологиялари ривожланаётган ҳозирги даврда киберхавфсизлик давлатлар ва йирик компаниялар учун стратегик аҳамият касб этмоқда. Шу боис, сўнгги йилларда Ўзбекистонда рақамли инфратузилмани такомиллаштириш, давлат хизматларини рақамлаштириш ва ахборот хавфсизлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда "Bureau Veritas" компаниясининг халқаро тажрибасига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. 1828 йилда ташкил этилган мазкур ком-

пания бугунги кунда дунё бўйлаб 1 600 дан ортиқ офис ва лабораторияларда фаолият юритмоқда. Компания тизимида 84 мингдан зиёд ходим меҳнат қилиб, мустақил экспертиза, инспекция, синув ва сертифицилаштириш соҳасида халқаро стандартларни шакллантириб келмоқда.

Конференциянинг эътиборли жиҳатларидан бири, халқаро тажриба алмашишуви бўлди. Bureau Veritas мутахассислари киберхавфсизлик соҳасидаги замонавий ёндашувлар, ахборотни химоя қилиш механизми ва ISO стандартларини жорий этиш бўйича халқаро тажриба ҳақида сўз юритди. Туркиянинг BEAM Technology компанияси раҳбари Мехмет Чакир сунъий интеллект асосидаги маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги амалий ечимлар ҳақида фикр билдирди. Шунингдек, Check Point Software Technologies компанияси вакиллари томонидан замонавий кибертаҳдидлар ва улардан химояланиш чоралари ҳусусида тақдирот ўтказилди.

Шунингдек, анжуман доирасида Ўзбекистоннинг бир қатор етакчи корхоналарига ISO 9001:2015, ISO 14001:2015, ISO 45001:2015, ISO 50001:2018 ҳамда FSSC озиқ-овқат хавфсизлиги тизими бўйича халқаро сертификатлар топширилди. Улар орасида ADM Jizzakh, "Самарқанд автомобиль заводи", "EAST CAN SOLUTIONS" ҳамда "IMPEX INSURANCE" каби корхоналар бор. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, мазкур сертификатлар корхоналарда маҳсулот сифати, меҳнат хавфсизлиги, экологик барқарорлик ва энергия самарадорлиги халқаро талаблар асосида йўлга қўйилганини аниқлатади.

Конференция якунида иштирокчилар рақамли хавфсизлик ва сунъий интеллект соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш, тажриба алмашиш ва замонавий технологияларни масъулиятли бошқариш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири эканини таъкидлади. Тошкентда ўтган мазкур анжуман эса Ўзбекистоннинг рақамли тараққиёт, киберхавфсизлик ва халқаро стандартларни жорий этиш соҳасида Марказий Осиёда фаол мулоқот майдонига айланиб бораётганини яна бир бор намойён этди.

## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 26-31 май ва 1 июнь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган


Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп хонадонли уй-жой фондиди бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассиси (Сурхондарё вилояти бўйича) **Фарҳод Норматов**, Ичимлик ва оқова сув тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Бекниёз Боймирзаев**,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ичимлик сувини реализация қилиш ҳамда оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш хизматларидан фойдаланиш назоратини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Ғиёсийдин Ғозиев**, хизмат хоналари фарроши **Ширин Абдурахимова**, хўжалик ишлари мудири **Асилбек Маллаев**, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Ички аудит бўйича бош мутахассиси **Фаррух Эркабоев**, Техник меъёриш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институтини етакчи мутахассиси **Ғайзулла Акрамов**, "Ўзгирсанеоатлобйиҳа" ДМ ООП коронови **Абдураҳмон Аҳмедов**, АСС-2 лойиҳа бўлими муҳандиси **Назиржон Мардонов**, катта муҳандис Искандар Исаев, АСС-1 катта муҳандиси **Мирагзам Мирсолихов**, ОВ етакчи мутахассиси **Татьяна Ким**,

"Ozshaharsozlik LPT" ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-ўстахонаси архитектору **Жавоҳир Баҳодиров**, Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-ўстахонаси етакчи архитектору **Учқун Худайбердиев**, Иқтисодий режалаштириш ва шартнома муносабатлари бўлими етакчи муҳандиси **Жаҳонгир Анваров**, Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси техниги **Феруза Бердиева**, "Самарқанд" филиали архитектору **Достон Эсанов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ичимлик суви, оқова сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш шўбаси бошлиги **Саламат Шамшатов**, Беруний тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош архитектору **Элёр Қаландаров**, Хўжалик тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектора ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Тазабай Калдыбаев**, Ичимлик суви, оқова сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш шўбаси бош мутахассиси **Исламбек Нурабуллаев**, Туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими фаолиятини мувофиқлаштириш шўбаси бошлиги **Жалғасбай Бердиханов**,

Уларга сизхат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!



**Тахрир хайъати:**  
Шерзод Хидоятлов (Тахрир хайъати раиси),  
Давронжон Адилов, Тоир Алимов,  
Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов,  
Қосим Тулганов, Юлдаш Мағрулов,  
Бобир Эммурадов, Илхом Аҳмедов.

**Тахририят:**  
Бош муҳаррир – Илҳод Жалолов  
Бош муҳаррир ўринбосари –  
Райхона Ҳужаева  
Саҳифаловчи – Ақмал Маҳмамов  
Мусахҳих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**"Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ мутахассислари:**  
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,  
"ЎЗАШКЛИТИ" МЧЖ,  
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ,  
"Қишлоқ қурилиш инвент" ИК МЧЖ,  
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

**Тахририят манзили:**  
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефонлар:**  
71-241-01-29; 71-241-01-43; 71-208-12-00.  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**Худудлардаги мухбирлар:**  
Қорақалпоғистон Республикаси: 900-658-50-43.  
Андижон вилояти: 93-410-15-18.  
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.  
Навоий вилояти: 99-731-17-40.  
Самарқанд вилояти: 91-365-07-36.  
Сурхондарё вилояти: 91-965-99-77.  
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.  
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.  
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буғорзма – Г- 541. 1368 нусхада босилди. Қўроғ бичими А-2. Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган.

Бахоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлезмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. **Қорхона манзили:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – 21.51 Топширилди – 2345.

Газетанинг навбатдаги сони 2 июнь кунини чиқади.

**"SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI  
EKSPERTIZA QILISH  
RESPUBLIKA MARKAZI" DM  
va uning hududiy filiallari jamoalari**

Qadrli yutdoshlar, barchangizni

*Qurban hayiti*

bilan qutlaymiz!

Har bir duoyingiz qabul, har  
bir kuningiz esa shukuh va  
xursandchilikka to'la bo'lsin!

